

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 7 май, № 96 (7876) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ПРЕЗИДЕНТ: ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА КЕЛАЖАК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИГАН ЯНГИ ТИЗИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 май куни чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимизда ҳар йили илм-фаннинг бир нечта йўналиши танлаб олиниб, алоҳида эътибор билан ривожлантирилмоқда. Бу йил физика ва чет тиллари ана шундай устувор соҳалар этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани, барча соҳада халқаро ҳамкорлик кенгаяётгани хорижий тилларни билишга эҳтиёжни оширмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги 25 та олий таълим муассасасида ўқитиш чет тилида олиб борилмоқда. 2016 йилда улар атиги 7 та эди. Халқаро тил сертификати олган битирувчи ўқувчилар сони охирги 3 йилда 10 баравар ошган.

Жорий йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали 350 нафар талабанинг нуфузли хорижий университетларда ўқиши учун стипендиялар ажратилди. Бу ўтган йиллардагига нисбатан 5 баравар кўпдир.

Лекин жойлардаги аҳвол мақсад қилинган катта режаларга мос эмас. Хусусан, таълим тизимида 2 мингдан ортиқ чет тили ўқитувчиси лавозими вакант бўлиб қолмоқда. 1 минг 400 та мактабда чет тилини ўқитиш сифати мутлақо қониқарсиз. Бу тизимдаги ўқитувчиларнинг атиги 4 фоизи миллий ва халқаро тил сертификатига эга. Хонобод ва Қувасой шаҳарлари, Зафаробод, Миришкор, Тўрткўл, Шеробод ва Узун туманларида бундай сертификатли бирорта ўқитувчи йўқ. Мактаблардаги чет тили ўқитувчиларининг 49 фоизи тестдан ўта олмаган.

Йиғилишда тизимдаги муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди.

**— Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукаммал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилиши маълум қилинди.

Бу агентлик дунёда самарали натижа берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарсликларини таълим тизимида жорий этиб, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришга кўмаклашади. Таълим муассасалари, тармоқлар ва ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини ўргатишни ташкиллаштиради.

Шунингдек, вазирлик, идора ва бошқа иш берувчилар билан бирга, хизматчиларнинг касбий фаолиятини хорижий тилларда тўлиқ амалга ошириш имкониятини берадиган методикаларни ишлаб чиқиб, шароитга мослаган ҳолда, амалиётга жорий этади.

Давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш методикаларини яратиш ҳам унинг асосий вазифаларидан бири бўлади.

Агентлик хорижий тилларни билиш рейтингини ҳам юритади. Чет тили ўқитувчилари учун малака талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ҳамда малака тоифаларини беради.

Бир сўз билан айтганда, агентлик "боғча — мактаб — олий таълим — корхона" "занжири" орқали, аҳолининг барча қатламига мос бўлган методика, тавсия ва дарсликларни ишлаб чиқади ҳамда жорий этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва Тошкент давлат шарқшунослик университетлари, Самарқанд чет тиллари институти билан бир қаторда, ҳар бир вилоятда биттадан университет чет тиллари бўйича таянч муассаса сифатида белгиланади.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш, малакасига қараб уларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Халқаро сертификатнинг дастлабки ва ўрта даражасини олган ўқитувчиларнинг ойлик маошига 40 фоиз, юқори натижа кўрсатганларга 50 фоиз устама берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, юқори балл олган ўқитувчиларга халқаро сертификат олиш учун тест топшириш харажатлари қоплаб берилади. Келгуси йилдан бошлаб, ишга қабул қилинаётган чет тили ўқитувчиларига миллий ва халқаро сертификатга эга бўлиш талаби киритилади.

Кейинги уч йил давомида мактаблардаги 53 минг нафар чет тили ўқитувчиларининг барчаси халқаро сертификат олиши зарурлиги таъкидланди. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, мактаблардаги вакант ўринларни малакали мутахассислар билан тўлдириш вазифаси қўйилди.

Чет тилларини чуқур ўргатиш мақсадида туман ва шаҳарларда 207 та мактаб танлаб олинди. Ушбу мактабларда хорижий китоблар, илғор ўқув дастурлари ва методикаларидан эркин фойдаланиш ҳамда фанларни чет тилида ўқитиш йўлга қўйилади.

Вилоят ҳокимликларига мактабларда чет тилини ўқитиш сифатини ошириш учун маҳаллий бюджетдан ҳар бир туман ва шаҳарга 1 миллиард сўмдан маблағ ажратишга кўрсатма берилди.

Ихтисослашган мактаблар ва олий ўқув юртларига тил эгаси бўлган хорижлик ўқитувчиларни жалб қилиш, ҳар бир туманда танлов ўтказиб, чет тили ўқитувчиларининг хорижда малака оширишини йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари чет тиллари бўйича энг яхши мактабларни аниқлаш учун Президент совринини таъсис этиш таклифини билдирди.

Бунда туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида танлов ўтказилади. Туман ва шаҳар босқичида 1-ўринни олган мактаблар 100 миллион сўмдан, вилоят босқичи ғолиблари 250 миллион сўмдан, мамлакатимиз миқёсидаги энг яхши мактаб эса 500 миллион сўм миқдорида мукофотланади. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам мос равишда рағбатлантирилади. Ушбу мактабларнинг директор ва ўқитувчилари давлат мукофотларига тавсия этилади.

Ўқитиш сифати халқаро андозаларга мос дарслик ва методик қўлланмаларга ҳам боғлиқ. Шу боис инглиз тили бўйича Кэмбриж университети нашриёти дарсликларини 200 та мактабда апробациядан ўтказиб, кейинги йилдан барча мактабларда татбиқ этиш вазифаси қўйилди. Бундай ишлар рус, немис, корейс, хитой ва француз тиллари бўйича ҳам ташкил этилади.

Соҳадаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб боришлари, янги адабиёт ва қўлланмалар сотиб олишлари учун ҳар бир чет тили ўқитувчисига бюджетдан 1 миллион сўмдан маблағ ажратилиши белгиланди.

Мактабгача таълим вазирлигига ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 7 ёшгача бўлган болаларга чет тилларини ўқитиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиб, жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда олийгоҳлардаги 78 фоиз профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражаси қониқарсиз аҳволда экани кўрсатиб ўтилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб, чет тиллари бўйича қабул квоталари сони 2 баравар кўпайтирилиб, 16 мингтагача етказилиши, давлат гранти эса 3 баравар оширилиши таъкидланди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан бошлаб, магистратура ва докторантурага кирувчилар учун чет тили бўйича халқаро сертификатга эга бўлиш талаби киритилади. Олий ўқув юртларида мутахассислик фанларини хорижий тилларда ўқитиш босқичма-босқич жорий этилади. Табиий ва техник фанлар бўйича хорижий дарслик ва қўлланмалардан эркин фойдаланиш йўлга қўйилади.

Чет тилини ўқитишнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали хорижий докторантурада таълим олиш учун йилига 20 та ўрин ажратилади.

Британия кенгаши, Гёте институти, Француз альянси, KOICA, JICA, Конфуций институти каби хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, нодавлат ўқув марказларини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳар бир вазирлик, идора, давлат компаниялари ва йирик хусусий корхоналарда тил ўрганишни қўллаб-қувватлаш, ҳафтанинг бир кунини белгилаб, хорижий тилларни ўрганиш учун шароит яратиш зарурлиги таъкидланди.

Тил ўргатувчи видеодарслар, фильм ва кўрсатувлар яратиш, электрон дастурлар ишлаб чиқиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарлар ва ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭКСПЕРИМЕНТ ТАРИҚАСИДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадини оширишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш, **маҳаллабай ишлаш тизими** орқали маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этишнинг **Самарқанд тажрибаси**ни амалиётга жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг **2021 йил 1 июндан бошлаб** Самарқанд вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида қуйидагиларни назарда тутувчи **маҳаллабай ишлаш тизимини эксперимент тариқасида ўтказиш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

туман (шаҳар) ҳокимлиги таъсисчилигида **Маҳаллабай ишлаш марказлари**ни (кейинги ўринларда — Марказлар) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш. Бунда Марказларнинг фаолияти туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан мувофиқлаштириб борилади;

туман (шаҳар)лардаги ҳар учта маҳаллага биттадан **маҳаллабай ишлаш инспекторларини бириктириш**;

маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими негизида маҳалла фуқаролар йиғини раисининг **тадбиркорлик** ва **томорқа масалалари** бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш;

ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг **тадбиркорлик** ва **томорқа масалалари** бўйича ўринбосарининг ўзаро узвий ҳамкорликда ишлашини таъминлаш.

**(Давоми 2-бетда).**

**Парламент назорати**

## ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ТАНҚИДИЙ КЎРИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг "2020 йил давомида Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши тўғрисида"ги ахбороти тингланди.*

Таъкидланганидек, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан 2020 йил давомида республика бюджети маблағлари ҳисобидан эътиборга молик бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, сейсмологик мониторинг тизимини янада ривожлантириш мақсадида Хумсон, Ангрен, Сўх, Нанай, Кўлқудуқ сейсмостанцияларининг қурилиши якунланиб, тўлиқ фойдаланишга топширилди. Гидротехник иншоотларда юзага келиши мумкин бўлган авариялар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида 73 та сув ҳамда сел-сув омборлари ўрганиб чиқилди.

Тадбирда депутатлар томонидан Бухоро ва Сирдарё вилоятларида 2020 йилда содир бўлган табиий ҳамда техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг муҳандислик, қидирув-қутқарув, авария-тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ижобий баҳоланди.

→ 2

Пенсия таъминоти:

## ФУҚАРОЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА?

*Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Хўш, мазкур қонун лойиҳасида давлат пенсия таъминотида фуқаролар учун қандай енгилликлар ва қўшимча қулайликлар яратилмоқда?*

### Янги қонун лойиҳаси

Маълумки, 1991 — 2005 йиллардаги архив маълумотлари тўлиқ сақланмаганлиги сабабли кўпгина юртдошларимиз пенсияга чиқиш олдидан тегишли ҳужжатларни йиғишда, хусусан, суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги архив маълумотларни олишда қийинчиликларга дуч келишарди. Чунки иш берувчилар томонидан иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган. Натижада айрим фуқаролар тўлиқсиз иш стажи билан пенсияга чиқишга ҳам мажбур бўлган.

Қонун лойиҳасига кўра, 2021 йил 1 июндан бошлаб, пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида, ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланиши назарда тутилмоқда. Бу билан кўплаб фуқаролар пенсия тайинлашда юзага келадиган муаммолардан, қийинчиликлардан, ортиқча оворагарчиликлардан халос бўлади.

Бугунги кунда пенсия тизимидаги муаммолардан яна бири, бу текширилган пенсия ишларидан аниқланган ортиқча тўловларнинг аксарият қисми бир неча йил илгари тайинланганлиги сабабли пенсионерлардан йирик миқдорда ортиқча тўловлар ундиришни тақозо этиб, кекса ёшдаги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Шу муносабат билан, лойиҳада уч йил ҳамда ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш амалиёти бекор қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 8,7 миллион оила бўлса, шундан 950 минг нафар аёл оилавий шароити ёки бошқа сабаблар туфайли расмий секторда меҳнат фаолиятини амалга оширмайди. Шу сабабли бундай аёлларнинг ёшга доир пенсияга чиқишида ҳам муаммолар бор эди.

Лойиҳанинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унда ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмоқда. Мазкур тизим амалиётга жорий этилса, оилада бола парвариши ва бошқа юмушлар билан банд бўлганлиги ёки турмуш ўртоғининг хоҳишига асосан ишламаган турмуш ўртоғи учун келажакда пенсия билан таъминлаш имконияти берилади.

Халқаро тажриба ўрганилганда, шу нарса аниқ бўлдики, бундай амалиёт Европа давлатларида ихтиёрий, Японияда эса мажбурий тарзда жорий қилинган экан.

→ 2

### Халқ билан юзма-юз

*Аввал хабар қилинганидек, айни пайтда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳи Наманган вилоятида бўлиб турибди. Бундан кўзланган мақсад эса аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларни, секторлар тизимида маҳаллабай асосида "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган оилалар билан олиб борилаётган ишларни ўрганишдан иборатдир.*

## ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИ

Ишчи гуруҳининг навбатдаги куни Уйчи туманидаги "Баландариқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Водий ипак гилами" қўшма корхонаси фаолияти билан танишишдан бошланди. Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида барпо этилган мазкур корхонада, асосан, ипак гиламлар тўқилади. Юқори даражадаги маҳсулот ҳисобланадиган қимматбаҳо гиламлар Туркия, Греция, Буюк Британия каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу ерда 80 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд. Гиламдўзлар пандемия шароитида ҳам иш суръатини асло пасайтиргани йўқ. Маъмурият уларнинг катта қисмини уй меҳнати тартибига ўтказиб, зарур хом ашёни хонадонига етказиб бермоқда.

Эътиборли жиҳати, корхона фаолияти янада кенгайтирилиши ҳисобига ўтган йили тикувчилик цехи ҳам ишга туширилди. Цехда 120 нафар хотин-қиз махсус иш кийимлари тикиш билан шуғулланади.

→ 2

### Таҳлил

## ҚАРАМА-ҚАРШИ НОРМАЛАР, БЮРОКРАТИЯ ВА КОРРУПЦИЯ

**қонун ҳужжатларининг ҳаётий ҳамда шаффофлигини таъминлашни талаб қилади**

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳар томонлама шиддат билан ривожланиб бораётгани, соҳаларда янги турдаги ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлаётгани ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар қонунчиликни такомиллаштириш, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Ўз навбатида, бугунги кунда 30 мингдан ортиқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларда бир-бирини такрорловчи ва бир-бирига қарама-қарши бўлган нормалар учраётганлиги, эскича бюрократик тўсиқлар ҳамда коррупциявий омилларни келтириб чиқарувчи тартиб-қоидалар ушбу масалага стратегик ёндашувни тақозо қилаётир.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида юртимизда тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти жорий қилинди ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси институти такомиллаштирилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, авваламбор, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши, натижадорлиги, ортиқча бюрократик тўсиқларни вужудга келтирмаслиги ва халқ манфаатларига нечоғли мутаносиблиги билан ифодаланади.

→ 3

**Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч**

## ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДАН ДИЛЛАР ЧАРОҒОН

**Фарғона вилоятида ҳам Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига асосан, ҳар бир уруш фахрийсига давлатимиз раҳбарининг табрик, мукофот ва совғалари топширилмоқда.**





Фарғона вилояти ҳокими Хайрулла Бозоров сектор раҳбарлари, ҳарбийлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамроҳлигида Қува туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — 96 ёшли Эргаш ота Тошбоев ҳамда Мўмин ота Тошматов хонадонларига ташриф буюрди.

Шундан сўнг байрам шукуҳи юз билан юзлашаётган тошлоқлик Рустам ота Акбаров, олтиариқлик Тўланбой Шокиров хонадонларида давом эттирилди.

— Меҳрибон онам ва яқинларимнинг дуоси мени шафқатсиз урушдан омон қайтишимга сабаб бўлган деб ўйлайман, — дейди Тошлоқ туманидаги "Қумқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Рустам ота Акбаров. — Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир умр қишлоқ хўжалигида ишладим. Бугунги кунда давлатимиз, фарзандлар ва набиралар ардоғидаман. Бундай эътибор умримизга умр қўшяпти.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оилаларидан ҳам хабар олиниб, моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Вилоят ҳокими бошчилигидаги давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари 2000 йили Сариосиёда террорчиларга қарши аёвсиз жангларда ҳалок бўлган марғилонлик Бобур Ғаниев, Фарғона шаҳрилик Дилшод Асанов хонадонларида бўлди.

Суҳбатлар жараёнида мард ва жасур ўғлонлар хотираси ёдга олиниб, уларнинг жасорати мангу барҳаёт эканлиги таъкидланди. Бугунги фаровон ҳаёт, дориламон кунларга шукроналар айтилди.

— Ватанимиз сарҳадларини мардонавор қўриқлаб, жонини фидо қилган фарзандим Бобуржон билан фахрланаман. Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор учун миннатдормиз, — дейди Мунаввархон ая.

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**

*Ушбу мавзуга оид мақолалар билан газетанинг 4-саҳифасида танишинг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭКСПЕРИМЕНТ ТАРИҚАСИДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилансинки:

Марказлар фаолияти **Пастдарғом**, **Ургут** ва **Булунғур** туманларида **жорий йил 1 июн**дан бошлаб ҳамда Самарқанд вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида **1 август**га қадар ташкил этилади;

Марказларда очиладиган штат бирликлари туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказининг **ишга жойлаштириш инспекторлари** штат бирликлари қисқартирилиши ҳисобидан шакллантирилади.

3. Марказларнинг асосий **вазифалари** ва **фаолият йўналишлари этиб** қуйидагилар белгилансин:

аҳолининг бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш;

маҳаллабай ишлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш;

тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга, жумладан, аёллар ва ёшларга кредит ҳамда субсидиялар олишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик, ҳунармандчилик қилиш истагини билдирганларга замонавий асбоб-ускуналар ҳамда мини-технологиялар топишда кўмаклашиш;

маҳалладаги инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини юритиш ва малака ошириш истагини билдирган фуқаролар билан ишлаш.

4. Самарқанд вилояти туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг намунавий ташкилий тузилмаси **1 – 3-иловалар**га мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

**Маҳаллабай ишлаш маркази**нинг намунавий низоми ва ташкилий тузилмасини;

**Маҳаллабай ишлаш марказлари** ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларини тасдиқласин.

6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан намунавий низом ва ташкилий тузилма асосида Маҳаллабай ишлаш марказининг устави ва ташкилий тузилмаси тасдиқланишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Марказ директори:

вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда туман ҳокими томонидан **лавозимга тайинланади** ва **лавозимидан озод этилади**;

маҳаллалар кесимида тўпланган муаммо ва мурожаатларни мувофиқлаштириб, уларни ҳал этишда туман (шаҳар) **ҳокимининг тегишли ўринбосарлари билан ҳамкорликда** ишларни ташкил этади;

амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан **ҳар чоракда** халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида ҳисобот бериб боради.

8. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташкил этиладиган Марказларни тегишли бино, замонавий ахборот воситалари (компьютер тўплами, алоқа, интернет ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** аҳоли ва тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиш ва ҳал этишда шаффофликни таъминлаш ва инсон омилини камайтириш мақсадида **Марказ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда** рақамлаштиришни назарда тутувчи **"Онлайн маҳалла"** дастурий таъминотини (кейинги ўринларда — дастурий таъминот) ишлаб чиқсин.

Бунда дастурий таъминот орқали мурожаатларни қабул қилиш, Марказга юбориш ва ижросини мониторинг қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

10. Молия вазирлиги:

дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатларни Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг бюджетдан ташқари ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопласин;

**2022 йилдан** бошлаб **ҳар йили** дастурий таъминотни техник ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги буюртманомасига асосан зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутган ҳолда ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда Марказлар ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосарлари учун янги жорий этиладиган тизимнинг туб моҳияти ва самарали фаолият кўрсатиши бўйича ўқув семинарларини ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

мазкур тажрибани таҳлил қилиб бориш мақсадида **Самарқанд вилоятининг туман (шаҳар)ларидаги** Марказлар фаолиятини мониторинг қилиш гуруҳини ташкил этсин;

мониторинг гуруҳи томонидан тажриба жараёнида тизимдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва ваколатли органларга тақдим этиб бориш чоралари кўрилишини таъминласин.

**2022 йил 1 январдан бошлаб** мазкур экспериментни республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф киритсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 май

# ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИ

Сенат Раиси корхона фаолияти ҳамда бу ерда ишловчи аёллар ва ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Мулоқот жараёнида халқаро бозорда талаб юқори бўлган совғабоп гиламлар тўқилишининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз борди.

— Миллий ҳунармандчилик, хусусан, гиламдўзлик ҳам бебаҳо қадриятларимиздан, унинг унутилишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Зеро, меҳнат ва ижод уйғунлашган бу сингари соҳалар истеъмол бозорини тўлдириш баробарида қўшимча иш ўринлари яратиш, энг аввало, хотин-қизларни банд этишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли, — деди Т. Норбоева.

Даҳиякота маҳалласида истиқомат қилувчи, ўзини ўзи банд этган фуқаро Рашидахон Маҳмудова хонадонида етиштирилаётган истеъмол қўзиқорини ишчи гуруҳи аъзоларининг эътиборини тортди. Хонадон соҳибаси янгиликка қўл урганига икки йил бўлди. У қўшни маҳаллалик тадбиркор Муаззам Сафарова билан биргаликда йил бошидан буён уч юздан ортиқ махсус қопчаларда қўзиқорин етиштирди. Сотувдан тушган даромад 11 миллион сўмдан ошди. Ишбилармон аёллар қўзиқорин етиштириш бўйича тажрибасини қўни-қўшнилар билан ҳам ўртоқлашаётир.

— Рашида ва Муаззамдан ўрнак олиб, мен ҳам уйда қўзиқорин парваришлаяпман, — дейди Жийдакапа маҳалласида истиқомат қилувчи Робия Кўчқорова. — Меҳнати унча оғир эмас, муҳими, маҳсулотни харидорларнинг ўзи уйингиздан олиб кетади. Килосини 15 минг сўмдан сотиб, яхшигина даромад топяпмиз.

Учинчи сектор ҳудудидаги "Жийдакапа" маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган "Мусахон Асалой келажаги" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Моҳидил Исоқова ҳам фаол тадбиркорлардан. У бўш турган бинони таъмирлаб, тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйди. Ўтган йили Халқ банки Уйчи филиалидан 220 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, "темир дафтар", "ёшлар дафтари", "аёллар дафтари"да турган хотин-қизлардан 50 нафарини доимий иш билан таъминлади. Корхонада, асосан, ўн турдаги кийим-кечак ҳамда болалар чойшаби тайёрланиб, маҳсулотлар ички бозорга етказиб берилмоқда.

Тадбиркор яна 100 та ишчи ўрни яратиш ҳаракатида. Шу мақсадда у Наманган саноат техникуми (собиқ Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи)нинг бўш турган ётоқхона биносининг биринчи қаватида 1 миллиард сўмлик тикувчилик ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил қилиш лойиҳасини амалга оширишга киришган. Бунинг учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан субсидия маблағи ажратилмоқда. Ётоқхона биносида таъмирлаш ишлари якунига етай деб қолди. МЧЖ раҳбари тикувчи аёллар фарзандлари учун 30 ўринли болалар боғчаси ташкил этишни ҳам бошлаб юборди.

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш чоғида бўш турган ётоқхона биноси 2 ва 3-қаватларини тумандаги кам таъминланган, уй-жойга муҳтож фуқароларга ажратиб бериш масаласи ўртага ташланди. Сенат Раиси ушбу масала тегишли идоралар ҳамкорлигида ижобий ечим топишига ишонч билдирди.



Парламент юқори палатаси Раиси халқ депутатлари Уйчи тумани Кенгаши депутатлари ва сиёсий партиялар етакчилари билан мулоқот ўтказди. Учрашувда маҳаллий Кенгашлар фаолияти, улар қошида тузилган "Халқпарвар" комиссияларнинг ипотека кредити ажратилиши ва уй-жой қурилишини назорат қилишдаги иштироки, бюджет маблағларини шакллантириш ва ҳар чоракда ижроси юзасидан сессияларда масъуллар ҳисоботини тинглаб бориш каби муҳим масалалар юзасидан тавсиялар берилди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

## Сенатор ва ҳаёт

# МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

*Айни пайтда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилиш асносида уларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганмоқда ва ўз жойида ижобий ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Учрашувлар доирасида фуқароларга Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар тўғрисида атрофлича маълумот берилмоқда.*

### Маҳаллий Кенгаш фаолиятига доир услубий қўлланма тақдимоти

Сирдарё вилоятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этишга йўналтирилган услубий қўлланма тақдимоти ўтказилди. Қўлланма Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида тайёрланган.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, БМТ Тараққиёт дастури экспертлари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Х. Ортиқбоева қайд этганидек, мамлакатимизда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада маҳаллий Кенгашлар, депутатлар фаолияти самарадорлиги ошмоқда.

"2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Президент Фармонида маҳаллий ижро ҳамда вакиллик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни методик қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинаётир. Хусусан, "Маҳаллий Кенгаш депутатининг кутубхонаси" рукни остида услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди.

Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш масалалари бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилган. У 3 та бобдан иборат бўлиб, депутат ишини ташкил этиш, депутат сўровини юбориш, маҳаллий Кенгаш фаолияти ҳамда унинг доимий комиссиялари ҳақида батафсил маълумотлар, Кенгаш ваколатлари ва мажбуриятлари, унинг сессияларини уюштиришга оид кўплаб назарий материаллар, амалий мисоллар келтирилган.

Тадбирда мазкур қўлланма мазмуни, уни амалиётда қўллашда, хусусан, депутатлар, маҳаллий Кенгаш ва унинг доимий комиссиялари ишини ташкил этишдаги роли хусусида ҳам маълумотлар берилди.

### Қашқадарё вилояти Кенгаши депутатлари билан учрашув

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров Қарши туманида халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари, доимий комиссиялар раислари, "Халқпарвар" комиссия аъзолари, секторлар раҳбарлари, ташкилот ва корхоналар масъул ходимлари билан учрашди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар, маъқулланган қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботига тўхталиб ўтилди. "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида"ги Қонун ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Учрашувда "Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида"ги Сенат Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий Низом, "Халқпарвар" комиссиялар фаолияти билан танишиш ҳамда кўмаклашиш ҳақида, минтақавий йўлларни ривожлантириш учун ёқилғи бирлигидан ундириладиган махсус йиғимни белгилаш, уни тўлаш ва ҳисобини юритиш тартиби билан таништирилди.

### Сенатор ҳақиқий аҳвол билан қизикди

Сенатор Маҳмуд Парпиев халқ депутатлари Наманган вилояти ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан учрашди.

Унда Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида сўз юритилди. Айни чоғда жойларда учраб турган муаммолар таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Масалан, биргина "аёллар дафтари", "темир дафтар" ва "ёшлар дафтари" жорий этилгани қатор ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўш, Наманганда бу борадаги мавжуд вазият қандай? Сенатор учрашув жараёнида мазкур "дафтар"ларга киритилган фуқаролар билан суҳбатлашиш асносида ҳақиқий аҳвол қандайлиги билан қизикди.

Тадбир давомида ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар бўйича мутасаддилар ахбороти эшитилди.

**«Халқ сўзи».**

# ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ТАНҚИДИЙ КЎРИЛДИ

Шу билан бирга, йиғилишда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан вазирликнинг ички молиявий назорат хизмати, Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат департаменти ҳамда Ҳарбий прокуратура томонидан ўтказилган назорат тадбирларининг натижаси бўйича тайёрланган таҳлилий маълумотлар ҳам муҳокама қилинди. Айни чоғда, соҳада йўл қўйилган молиявий хато ва камчиликлар, унинг келиб чиқиш сабаблари, йўл қўйилган мавжуд молиявий хатоликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳам танқидий кўриб чиқилди.

Тадбирда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида бюджет маблағлари мақсадли сарфланиши ҳамда улардан самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш, бюджет соҳасида молиявий хатоликларни, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қарори қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан аввалроқ Мудофаа ҳамда Ички ишлар вазирликларида Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши юзасидан эшитувлар ўтказилган эди.

**«Халқ сўзи».**

Пенсия таъминоти:

# ФУҚАРОЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА?

Яна бир енгиллик, пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланиши ҳамда тўланиши белгиланмоқда. Бунинг натижасида фуқароларга доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган тураржойи бўйича пенсия (нафақа) тайинлаш ва тўлаш учун мурожаат қилиш имконияти яратилади. Яъни фуқаро вилоятда доимий яшаётган (прописка), бироқ Тошкент шаҳрида вақтинча рўйхатдан ўтган бўлса пенсия тайинлаш ёки тўлаш учун вилоятга бориш билан боғлиқ оворагарчилиги бартараф этилади. Бу билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқлари мамлакат ҳудудида тўлиқ кафолатланишига эришилади.

Бундан ташқари, лойиҳада Саховат интернат уйлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун камида тўланадиган ойлик пенсия микдорини 10 фоиздан 20 фоизгача ошириш белгиланмоқда.

Лойиҳада фуқаронинг вафоти муносабати билан, мазкур ойнинг қайси кунида вафот этишидан қатъи назар, олинмай қолган пенсия пулини уни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқарога тўлиқ ой учун тўлаш тизимини жорий этиш белгиланмоқда.

Умуман, мазкур ҳужжат фуқароларга давлат пенсия таъминоти тизимида бир қатор енгилликлар ва шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ҳамда давлат пенсия таъминоти борасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини замон талабларига мувофиқлаштириш, шунингдек, шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш учун мурожаат этишда қулайлик ҳамда имтиёзлар яратишга хизмат қилади.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.**

# СУСТКАШЛИК, ЛОҚАЙДЛИК КЕЛАЖАККА ХИЁНАТ БИЛАН БАРОБАР

*Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 12 март куни бўлиб ўтган ўн учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан Сурхондарё вилоятида 2020 йилда содир этилган жиноятлар 2019 йилдагига нисбатан қарийб 40 фоиз ошганлиги сабабли вилоятдаги шу йўналишдаги вазият чуқур муҳокама қилинган эди. Албатта, бу масала шундан кейин ҳам диққат марказимизда бўлиб келяпти.*

## Таассуф

Хусусан, қўмитамиз аъзолари тегишли давлат идоралари ҳамкорлигида вилоятда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги мавжуд ҳолат, ҳудудда жиноятчиликнинг кўпайиши сабаблари ва бунга шарт-шароит яратаётган омилларни ўрганиб чиқди.

Ўрганишлар жараёнида вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган ишлар етарли даражада олиб борилмагани туфайли ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар юзага келгани, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди. 2020 йилда умумий жиноятлар сони 3 минг 176 тани ташкил этиб, ундан олдинги йилдагига нисбатан 39,3 фоиз, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар сони эса 67,2 фоиз кўпайгани маълум бўлди.

Шунингдек, айрим ходимларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши натижасида 27 та қотиллик, 54 та оғир тан жароҳати етказиш, 9 та талончилик, 4 та босқинчилик, 144 та безорилик, 386 та ўғрилик, 463 та фирибгарликнинг олдини олиш имкони бўла туриб, ушбу жиноятлар содир этилишига йўл қўйиб берилган.

Ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишлар ҳам етарли даражада йўлга қўйилмаган. Оқибатда 264 нафар аёл, 840 нафар ёш ҳамда 725 нафар ишсиз фуқаро турли жиноятларга қўл урган. Умуман, вилоятдаги 721 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 142 тасида жиноятлар сони ошган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни жиловлаш борасидаги ишлар яхши ташкил этилмагани туфайли ўтган йилда қасддан одам ўлдириш жинояти 2019 йилдагига нисбатан Бойсун, Жарқўрғон, Узун ва Олтинсой туманларида кўпайган.

Бундан ташқари, вилоятда босқинчилик, фирибгарлик, ўғрилик, номусга тегиш, безорилик жиноятлари ҳам 2019 йилдагига нисбатан сезиларли даража ошгани ачинарлидир. Термиз шаҳрида бу борадаги вазият жиддий, яъни вилоят бўйича олганда, ҳар бешинчи жиноят мазкур шаҳарда содир бўлган.

Хўш, вилоятда жиноятчилик ҳолатлари кўпайишига нима сабаб бўляпти? Ўрганиш жараёнида ана шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълум бўлишича, ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор берилмагани туфайли жиноятчилик ошган. Буни доимий иш билан банд бўлмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 37,6 фоиз ошгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Энг ёмони, оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмаслиги оқибатида 2020 йилда умумий жиноятларнинг ҳар ўн иккинчиси аёллар томонидан содир этилган.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудида ёшлар билан ишлашга алоҳида аҳамият беріляпти. Аммо Сурхондарё вилоятида вазият бошқача. Ёшлар билан ишлашда ҳануз кўплаб муаммолар сақланиб қолаётгани, уларни бартараф этишга етарли даражада эътибор қаратилмаётгани ўрганишлар жараёнида аён бўлди. Хусусан, 2020 йилда қайд этилган жами жиноятларнинг 840 таси ёки 26,4 фоизи айнан ёшлар томонидан содир қилингани ғоят афсусланарли. Мактабларда йўлга қўйилган "давомат тадбирлари" имкониятидан самарали фойдаланиш, аҳолини огоҳликка чақириш йўналишидаги ишлар мунтазам равишда олиб борилмаган. Бунинг оқибатида 65 нафар вояга етмаган ёш жиноят кўчасига кириб қолган.

Тезкор хизмат фаолияти етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли 2020 йилда вилоят бўйича қидирув эълон қилинган 542 нафар шахснинг 378 нафари ушланмасдан қолган. Шунингдек, жиноятларнинг 147 таси ёки 4,6 фоизи фош этилмаган.

Бундан ташқари, вилоятда ички ишлар органлари ходимлари томонидан фуқаролар билан мулоқотда одоб-ахлоқ қоидалари ва муомала маданиятига тўлиқ риоя қилиш борасида олиб борилаётган тарбиявий-профилактик тадбирларга қарамасдан, ходимлар томонидан ушбу талабларни бажармаслик ҳолатлари ҳамон учраётгани ачинарлидир. Буни ходимлар хатти-ҳаракати юзасидан келиб тушаётган мурожаатлар сони ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Масалан, Термиз шаҳрида 2020 йилнинг январь ойида 16 ёшли вояга етмаган (мактаб ўқувчиси) қизнинг ожизалигидан фойдаланиб, номусига тегиш жиноятини содир этган шахсга нисбатан қарийб 14 ойдан бери Термиз шаҳар ИИО ФМБ томонидан қонуний чора кўрилмай келаётгани ижтимоий тармоқларда фуқаролар эътирозига сабаб бўлганидан кўпчиликнинг хабари бор.

Жабрланувчи қизнинг ота-онаси адолатни қарор топтириш, жиноятни амалга оширган шахсга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб бир йил мобайнида Термиз шаҳар ИИО ФМБга ва бошқа маъмурий идораларга қайта-қайта мурожаат қилган. Шундан сўнг ноилож қолган ота-она охирги илинж сифатида Олий Мажлис Сенатига мурожаат қилади.

Бу ҳолат қўмитамиз томонидан назоратга олингандан сўнг Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б. Валиевнинг Сенатга киритган ахбороти бўйича шу йил 11 апрель куни ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 118-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирги кунда тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги билдирилди.

Умуман, вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Шу боис бу масала қўмитамиз томонидан муҳокама қилиниб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Ва табиийки, бу масала бундан кейин ҳам қўмитамиз назоратида бўлади. Зеро, бу борада сусткашликка йўл қўйиш келажакка хиёнат билан баробар.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

## АКАДЕМИК ЎТКИР ҲАСАНОВИЧ РАСУЛЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Физика соҳаси бўйича йирик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ўткир Ҳасанович Расулев 82 ёшида вафот этди.

Ў. Расулев 1939 йил 11 июлда Тошкент шаҳрида туғилди. 1961 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлади.

У ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида бошлади, сўнгра Россия Фанлар академиясининг Ленинград шаҳридаги Иоффе номидаги Физика-техника институти аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейин эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида Россия Фанлар академияси Физика-техника институтининг катта илмий ходими, Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника институти (ҳозирги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти)нинг лаборатория мудири, директори, Фанлар академиясининг ҳайъат аъзоси, физика-математика фанлари бўлими раиси, вице-президенти каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда физикавий электроника соҳасининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Ў. Расулев — физикавий электроника ва қаттиқ жисмларнинг сиртқи қисмларининг физик ва кимёвий хусусиятлари бўйича йирик мутахассис, Ўзбекистонда кўп атомли заррачаларнинг ташқи томондан ионлашувига доир йўналишга асос солган олимлардан биридир. Унинг 200 дан зиёд илмий мақолалари, 25 дан ортиқ ихтиро ва патентлари республикамиз ва хорижий мамлакатлар олим ва мутахассислари ўртасида яхши маълум.

Атоқли олим мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. Хусусан, 1996 — 1999 йилларда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият кўрсатиб, миллий парламентаризм асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Академик Ў. Расулев мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат шуҳрати" ордени ва "Шуҳрат" медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ўткир Расулевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**

# ҚАРАМА-ҚАРШИ НОРМАЛАР, БЮРОКРАТИЯ ВА КОРРУПЦИЯ

## қонун ҳужжатларининг ҳаётий ҳамда шаффофлигини таъминлашни талаб қилади

◄1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 мартдаги "Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам айни шу мақсадда қабул қилинган.

Мазкур қарор билан тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг эҳтимолий оқибатлари баҳоланади, шунингдек, кўзланган мақсадга эришилганлиги ўрганилади.

Умуман айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда унинг лойиҳасини ишлаб чиқаётган маълум бир вазирлик ёки идоранинг масъул таркибий тармоғи билангина чекланиб қолмасдан, ушбу жараёнга манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда кенг жамоатчилик жалб этилади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиёти АҚШ, Россия Федерацияси, Германия, Қозоғистон ва Беларусь каби хорижий давлатларнинг тажрибасида мавжуд.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар режаси 4-раунди давомида берган тавсияларида ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда жорий этиш ҳамда бундай ишлар тоифаларини белгилаш баён қилинган.

Бизда ҳам ушбу восита бирданига амалиётга киритилаётгани йўқ. Боиси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда жамоатчилик назоратининг воситалари босқичма-босқич амалиётга киритиб борилмоқда.

Масалан, кейинги йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини "regulation.gov.uz" портали орқали жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тажрибаси шакллантирилди. 2021 йилги Давлат дастурини ишлаб чиқишда ҳам ушбу платформа ўзининг ижобий самарасини кўрсатди, дейишимиз мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган 4 та қонун, Президентнинг 2 та қарори ва 1 Фармони лойиҳалари ҳам кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, берилган таклифлар асосида такомиллаштирилди.

Белгиланган янги тартибга асосан, жамоатчилик муҳокамасидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қабул қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқувчиларга мажбурий тартибда қайтарилади.

Шунингдек, эндиликда Адлия вазирлиги жамоатчилик муҳокамаси жараёнида асосли эътирозларни келтириб чиқарган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича экспертлар ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситалари иштирокида анжуманларнинг ўтказилишини талаб қилади ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларга қайтаради.

Қолаверса, лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасига қўйилганлиги тўғрисида ишлаб чиқувчи оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон бериши қатъий белгиланди.

Ушбу восита, авваламбор, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларига татбиқ этилиши биз учун муҳим ҳисобланади. Чунки бу жараёнда тадбиркорларга турли хил чекловлар ва рухсат бериш, лицензиялаш тартиботларини қўллашда, имтиёз ҳамда преференцияларни белгилашда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, рақобат бозорига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни четлаб ўтишга ва тадбиркорларнинг қимматли вақтини олувчи турли хил тартиб-таомилларни камайтиришга олиб келади.

> "Белгиланган янги тартибга асосан, жамоатчилик муҳокамасидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қабул қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқувчиларга мажбурий тартибда қайтарилади."

Албатта, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатларининг ушбу восита орқали баҳоланиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида яна бир муҳим масала сифатида уларнинг экспертиза қилинишини, шу жумладан, коррупцияга қарши экспертиза "чиғириғи"дан ўтказилишини олишимиз мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлашда, уларни баҳолаш мақсадида улардаги мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки бошқа турдаги коррупция ҳолатларига имкон яратувчи нормаларни бартараф этишда коррупцияга қарши экспертиза муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармонида агентликка "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Ҳозирги кунда лойиҳа ишлаб чиқилди ва унда бир қатор янги тартиблар назарда тутилган бўлиб, уларнинг аксарияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган.

Жумладан, ҳужжат лойиҳасида аксилкоррупцион экспертиза субъектлари сифатида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳамда вазирлик ва идораларнинг юридик хизматлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, мустақил экспертларнинг ҳам иштироки назарда тутилган.

Ёки кўп сонли коррупцияга оид нормалари мавжудлиги билан боғлиқ ҳолатда жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан агентликнинг коррупцияга қарши мустақил экспертиза ўтказиши белгиланган.

Амалдаги қонунчиликка асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини фақат ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мажбурий этиб белгиланган бўлиб, "...коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши мумкин" деб баён этилган. Янги қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳалари мажбурий аксилкоррупцион экспертизадан ўтказилиши назарда тутилган.

Шунингдек, янги лойиҳада коррупциявий омиллар белгиланган бўлиб, улар қаторига ҳаддан зиёд дискрецион нормалар, бажарилиши ҳаддан зиёд қийин бўлган ва оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган нормалар ҳамда ҳуқуқий ноаниқлик ва ношаффофлик киритилган.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Корея Республикаси, Литва, Словения, Россия Федерацияси, Украина ва бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Жумладан, Қозоғистон Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда қонун ҳужжатларидаги 3 минг 400 дан ортиқ коррупцион омилларга барҳам берилиши натижасида, давлат ва жамият манфаатларига 2 миллиард 200 миллион тенгедан зиёд миқдорда зарар келтирилишининг олди олинган. Ушбу рақамлар ҳам коррупцияга қарши экспертизанинг аҳамиятини кўрсатиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупцион омилларнинг олдини олиш ва бартараф этишда муҳим ислоҳот бўлиб хизмат қилишидан далолатдир.

Юқорида айтиб ўтилган иккала институт ҳам, яъни тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси, авваламбор, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ислоҳотлар ҳисобланади. Улар, шубҳасиз, келгусида ўз самарасини беради.

**Акмал БУРҲОНОВ,**
**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори.**

## 14 ТУРДАГИ КАСБГА ЎҚИТИЛАДИ

*Самарқандда "Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази" фойдаланишга топширилди.*

### Бандлик



Бу ерда ёшларни ғишт терувчи, электрогазпайвандчи, сувоқчи, бўёқчи-безакчи, сантехника ишлари устаси каби ички ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 14 турдаги касбга ўқитилади. 450 ўринга мўлжалланган ушбу марказда тингловчилар учун 450 ўринли ётоқхона ҳамда ошхона ҳам қурилди.

Эътиборлиси, туман ва шаҳарлардаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан ишсиз, деб топилиб, йўлланма асосида ўқишга қабул қилинган фуқароларга ҳар ойда 560 минг сўмдан стипендия тўланади.

Мажмуанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов қатнашди.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОНЛАР

## Request for expressions of interest for selection of consulting company of the project "Climate Adaptive Water Resources Management in Aral Sea Basin Project"

Within the framework of cooperation between Republic of Uzbekistan and Asian Development Bank (ADB), project «Climate Adaptive Water Resources Management in Aral Sea Basin Projectr» is being established. ADB is providing loan in amount of 150.0 million USD for modernization of irrigation systems of Jondor and Babatag canals within framework of project « Climate adaptive water resources management in Aral Sea basin sector «, also part of these funds will be directed to eligible payments under the contract for consulting services to assist Ministry of Water Resources (MWR) in project implementation.

Services include preparation of tender documents, evaluation of bids and supervision of construction under contracts implemented under the project.

Ministry of Water Resources of Republic of Uzbekistan invites eligible consultants to submit expressions of interest for provision of services. Interested consultants should provide information demonstrating that they are qualified to provide the services (brochures, description of similar assignments, experience in similar conditions, availability of appropriate skills among staff, etc.). Consultants can create associations to enhance their qualifications.

A short list of firms will be determined based on the following selection criteria:

- Technicalcompetence;
- Geographiccompetence.

Consulting company will be selected in accordance with Quality and Cost Selection Procedures as outlined in ADB's Procurement Guide for Borrowers (2017).

Interested consultants may obtain detailed information at the address below, Monday through Friday, 9:00 am to 6:00 pm Tashkent time.

Expressions of interest consultants should upload to ADB website (http://cms.adb.org/) till **June 10, 2021**

To attention of Mr.B.Kamalov - Head of PIU WB

Asian Development Bank Project Implementation Unit

Address: Republic of Uzbekistan, Tashkent city, Labzakstreet. Building 1A, 100128

tel: + (998 71) 241-89-06

fax: + (998 71) 241-84-24

e-mail: cawrmp@mail.ru

## Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Орол денгизи ҳавзаси бўйича лойиҳаларни ва глобал экологик жамғарма лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, 2-босқич» доирасида ўтказилаётган **Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг 156 та туман ирригация бўлимлари ва 13 намойиш участкалари учун** махсус ускуналарни етказиб бериш бўйича ITQ/NWMP-2021-4 танлов эълон қилади.

Танловда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда махсус ўлчов ускуналарини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танлов савдолари Швейцария Конфедерациясининг харид тартиб-қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

Танловнинг тўлиқ ҳужжатлар тўпламини www.simap.ch платформасидан «Running procedures (амалдаги тартиблар), «Confederation (Конфедерация)», «Invitations to tender (тендерга таклифномалар)» бўлимлари остидан юклаб олиш мумкин. Бунинг учун иштирокчи www.simap.ch платформасида рўйхатдан ўтиши ва платформанинг кўрсатмаларига амал қилиши керак.

**Танловда қатнашиш таклифлари 2021 йил 16 июнь куни Тошкент вақти билан соат 17.00 гача танлов ҳужжатларида қайд қилинган манзилга тақдим этилиши шарт.**

## ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ

2020/2021 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари битирувчиларини ишга тақсимлаш (тавсия этиш) бошлаганлигини маълум қилади.

| Т/р | Коди | Таълим йўналишлари номи | Умумий битирувчилар сони | Грант/шартнома | Термиз шаҳри | Термиз тумани | Ангор тумани | Музработ тумани | Шеробод тумани | Бойсун тумани | Бандихон тумани | Қизириқ тумани | Жарқўрғон тумани | Қумқўрғон тумани | Шўрчи тумани | Денов тумани | Олтинсой тумани | Сариосиё тумани | Узун тумани | Бошқа вилоятлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5310600 | Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича) | 59 | 14 | 1 | | | | 1 | | | 2 | 1 | 1 | | 6 | 1 | | | 1 |
| | | | | 45 | 5 | 5 | 1 | 2 | 2 | 3 | 1 | 4 | 6 | 8 | 3 | 3 | | 1 | 1 | |
| 2. | 5320300 | Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) | 30 | 10 | 2 | 1 | | 1 | 1 | | | | 2 | | 1 | 1 | | 1 | | |
| | | | | 20 | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | 5 | 2 | 3 | 1 | | 1 | 1 | |
| 3. | 5340600 | Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотлари турлари бўйича) | 54 | 15 | | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 5 | 2 | | 2 | 1 | | 1 | |
| | | | | 39 | 3 | 2 | 5 | 2 | 1 | 3 | | 4 | 2 | 5 | 2 | 4 | 4 | 2 | | |
| 4. | 5340800 | Автомобиль йўллари ва аэродромлар | 59 | 15 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | 3 | 1 | | | 2 | 2 | 1 | | 2 |
| | | | | 44 | 1 | 6 | 3 | 2 | 4 | 2 | | 2 | 3 | 6 | 3 | 5 | 2 | 1 | 1 | 3 |
| 5. | 5320400 | Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | 49 | 14 | 1 | 2 | 1 | 2 | | | | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | |
| | | | | 35 | 2 | 5 | 2 | 1 | 2 | 2 | | 4 | 4 | 5 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 |
| 6. | 5320900 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | 60 | 15 | 7 | 2 | | | | 1 | | 1 | | | 2 | 2 | | | | |
| | | | | 45 | 13 | 9 | 2 | 5 | 4 | | | 1 | 3 | 4 | 1 | 1 | | | 2 | |
| 7. | 5321000 | Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) | 56 | 15 | | 1 | | | 1 | 1 | | 2 | 2 | 1 | 2 | 2 | 1 | | 2 | |
| | | | | 41 | 14 | 2 | 2 | 1 | | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 1 | 5 | 2 | 2 | 2 |
| 8. | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 28 | 10 | 1 | | 1 | | 1 | | | 1 | 1 | | | | 2 | | 2 | 1 |
| | | | | 18 | 6 | 1 | 1 | | 3 | | | | 2 | | | 3 | | 1 | 1 | |
| | | Жами | 395 | | 59 | 39 | 20 | 18 | 22 | 16 | 2 | 27 | 41 | 37 | 21 | 35 | 20 | 12 | 15 | 11 |

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 288-«А» уй. Телефон/факс: 76-221 -87-20. E-mail: tfdevon@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz



# ЎША СЎНМАС ЖАСОРАТ БИЗ УЧУН МАРДЛИК МАКТАБИ, ҒУРУР-ИФТИХОР МАНБАИ

*Шафқатсиз уруш хотиралари, машаққатли меҳнат фронти хусусида аниқ тасаввурлар аллақачон шаклланиб улгурган. Ўша машъум йиллар акс этган киноларни кўраётган бугунги ёш авлод ҳам аллақачон ўша даҳшатлар ҳақида маълум тушунчага эга.*

Хўш, буларни нега эслаяпман? Шу кунларда хотира ва қадрлаш тадбирлари кенг қулоч ёйди. Буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаган азиз инсонларни ёд этамиз, уларнинг хотираси, пок руҳлари олдида таъзим қиламиз. Шафқатсиз урушда, машаққатли меҳнат фронтида мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларга юксак ҳурмат ҳамда эҳтиром, миннатдорлик билдирамиз.

Чунки улар бугунги ёруғ кунлар учун фидойилик намунасини кўрсатган. Бир нарсани тан олиб фахр билан таъкидлаш керак: орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, буюк Ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади. Бу сўнмас жасорат мана, орадан 70 йилдан зиёд вақт ўтибдики, биз учун мардлик мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлмоқда.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни — эл-юртимизнинг асл фарзандлари беш йил давомида мардона жанг қилиб, ёвуз душманни тор-мор этган, мислсиз талафотлар эвазига эришган шон-шараф айёмидир.

Шу ўринда яна бир ҳақиқат ҳақида тўхталмоқ жоиз. У ҳам бўлса, ҳар қадамда энг катта, бебаҳо бойлик бўлган тинчликка раҳна солиш, турли халқлар ўртасида уруш оловини ёқиш, миллий ва диний зиддиятларни авж олдиришга уринаётган кучларнинг борлиги. Бундай ёвуз кучларга қарши курашда, аввало, доимий ҳушёрлик ва огоҳлик, жаҳолатга қарши — маърифат, халқимизнинг бирлиги ҳамда ҳамжиҳатлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам айни мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз депутат сифатида бугун давлатимиз раҳбари даражасида юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган қаҳрамонларимизнинг ибратини, бу хатти-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини қабул қилаётган қонунларимизга ҳам сингдириш устида иш олиб бормоғимиз лозим. Зеро, бу каби инсон қадрини улуғлаш тадбирларининг моҳияти ҳар биримиз учун, кундалик фаолиятимиз учун намуна аслида. Улар жангда қўлига қурол олиб Ватан озодлиги учун курашган бўлса, мукаммал ва ҳар томонлама пухта ўйланган қонунлар, аввало, инсон манфаатлари устуворлигига эришиш каби вазифалар — бизнинг зиммамиздаги шарафли масъулиятдир. Миллий қонунчилигимизни тараққий эттириш, қонун ҳужжатларида ана шундай қаҳрамонларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли акс эттиришга интилиш ишимизнинг асосий мезонларидан бўлиб қолади.

**Тоҳиржон АҲМАДАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни



# «МЕН УЧУН ЯША, ДЎСТИМ...»

*Мирза бобо босинқираб уйғонди. Дастлаб қаерда ётганини билмай анча вақт атрофга аланглади. Деразада тарвақайлаб ўсган қари тут шохларида пишган марвариддек меваларни кўриб, бирдан эслади: ўзининг отасидан қолган қадрдон уйи, онаси қўллари билан эккан ўша тут дарахти. “Аллоҳга шукр, тут пишиғига етибман, юзинчи баҳорни қаршилабман”, деди оҳиста пичирлаб. Сўнг кўрган тушини эслади.*



Қулоқлари остида снаряднинг портлаган товуши, бирга ўсган, бирга армияга чақирилган қадрдон дўстининг кўксини душман ўқи тешиб ўтгани ва унинг сўнгги онларда “дўстим, мен учун яша...”, деб шивирлагани кўз ўнгидан ўтди.

— Дада, сизга нима бўлди, дўхтир чақирайми? — ўғлининг хавотирли сўзлари эшитилди.

— Йўқ, болам, бу дардни дўхтир даволай олмайди, у юракка тиғ бўлиб қадалиб турибди. Жангда йўқотган дўстим тушимга кирибди. Уни мендан айирган урушга лаънатлар бўлсин. Ахир у билан болаликнинг энг тотли дамларини кечирган эдик. Орзулари жуда мўл эди, урушдан қайтиб келиб, Малоҳат деган қизга уйланмоқчи эди...

Урушдан қайтганимда унинг онаси мени қучоқлаб, “Ўғлим қани, сен билан бирга кетган эди-ку, нега у қайтмади?”, деган гапларига жавоб бера олмаганман. Ахир онага ўғлингиз ҳалок бўлди, деган гапни айтиб бўладими?! Она бояқиш ёлғиз ўғлини умрининг сўнгги кунигача кутди. Қазоси олдидан “Ўғлим келса, шу уй уники эканини айтинглар, сандиқда тўйига атаб тиккан нарсаларим турибди”, деб айтганига чидаб тура олмаганман.

Болам, тут пишиғига етдим, 100 ёшга қадам қўйдим. Фақат ўзим учун эмас, дўстим учун ҳам яшадим. Дунёга унинг кўзлари билан ҳам боқдим, бугунги дориламон кунлар қанчалик қадрли эканини унинг руҳи менга эслатиб туради...

Касби туманидаги Майманоқ қишлоғида кексалик гаштини сураётган Мирза Бобо Жўраев 1942-1943 йилларда Иккинчи жаҳон урушида Смоленск ва Сталинград шаҳарларида фашистларга қарши жангларда иштирок этган. Қақшатқич жангларнинг бирида ўнг елкасидан жароҳат олган. 1943 йилда юртига қайтгач, ўқитувчилик касбини давом эттирди, сиртдан олий ўқув юртида ўқиди. Шу тариқа у 60 йил ёшларга бошланғич таълим фанидан сабоқ берди. Отахон 4 ўғил, 3 қизни тарбиялаб вояга етказди. Бугун яқинлари, юздан ортиқ невара-чеваралари ардоғида яшамоқда.

Мирза бобо Жўраевни йўқлаб келувчилар жуда кўп. Уларнинг аксарияти ўзи ҳарф ўргатган шогирдларидир. Мана, бугун ҳам отахоннинг ҳовлиси фарзандлар, набиралар, қўни-қўшнилар ва шогирдлар билан гавжум бўлди. Отахонга Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”-ги Фармони асосида 12 миллион сўм миқдорида пул мукофоти берилди. Мирза бобо Президентни алқаб, қўлини дуога очди, юртга тинчлик, қут-барака тилади.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҲАРБИЙЛАР ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИСИ ХОНАДОНИДА БЎЛДИ

*Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган ватанпарварлик тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази қўмондонлиги Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари хонадонига ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олмоқда.*

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Михаил Колмогоров Самарқанд шаҳрининг Боғи Темур маҳалласида истиқомат қилади. Орадан 76 йиллик вақт ўтган бўлсада, отахон урушнинг мудҳиш оқибатларини сира унутмаган. У бугун ҳам шу хотиралар билан яшайди.

Михаил Васильевич билан қизғин суҳбатда суронли йиллар, мард ҳамда жасур сафдошлар хотирланди. Отахон ҳозирги осуда ва обод ҳаётга шукроналар айтаркан, айни пайтда Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилаётган ёшларга ҳаваси келишини таъкидлади.

— Уруш даври машаққатларини, оилалардаги йўқотишларни ҳеч ким кўрмасин, — дейди Михаил Колмогоров. — У кунлар бошқа такрорланмасин, дея куну тун илтижодаман. Тинч ва фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин. Шундай юртда Ватан ҳимоячиси бўлиш шараф. Сизларга ҳавасим келади, зиммангиздаги масъулият юкини асло унутманг. Вазифангизни сидқидилдан адо этиб, шарафли касбнинг муносиб эгалари бўлиб юринг.

Юртимизда мен каби уруш қатнашчилари ва фронторти меҳнат фахрийларига давлатимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Мана, яқинда ҳам Президентимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида Фармон қабул қилиб, ҳар биримизга 12 миллион сўмдан пул мукофоти беришни топширибди. Ёшу кексага бирдек эътибор қаратилаётган юртимизда тинчлик аримасин, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Уруш фахрийсига байрамона кайфият улашиш мақсадида Самарқанд гарнизони оркестр жамоаси томонидан куй-қўшиқлар, болажонларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Шундан сўнг ушбу хонадонда ҳашар уюштирилди. Томорқа ерларга ишлов берилди, ҳовли атрофи ва ариқлар тозаланиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, уруш фахрийси ҳамда унинг оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур дори-дармон, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЛИМГА ТИК БОҚҚАН ЎЛМАСБОЙ ОТА

*Бағдод туманининг Қоровултепа қишлоғида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ўлмасбой ота Долимов бир асрлик довондан ошаётир.*



Бу оиладан кетма-кет уч ўғил урушга отланган. Бироқ Ўлмасбой ота ҳамон урушда бедарак кетган акаларини интиқ бўлиб кутади, кўча эшиги ҳар гал очилганида худди жигарлари кириб келаётгандек туюлади. Чунки унинг ўзи ҳам жанглардан бирида жароҳат олгач, 1944 йилнинг охирида уйга қайтганида уч ўғлини кута-кута юраги эзилган онаси кенжатойини бағрига босганича ҳушидан кетгани ҳамон кўз ўнгида туради.

— Уруш бошланган йилнинг кузида армия сафига чақирилдим. Фарғона полигонида ҳарбий тайёргарликдан ўтдик. Қирқ иккинчи йили қасамёд қабул қилгач, урушга отландик, — дея ҳикоя қилади отахон. — 1-Украина фронтида жангга кирдим. Харьков, Одесса, Киев шаҳарларини босқинчилардан озод қилишда иштирок этдим...

Урушдан сўнг пенсияга чиққунига қадар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилган отахон бугун фарзандлари, неваралари, ҳамқишлоқлари ардоғида.

— Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва меҳрини ҳис қилиб яшаяпмиз, — дейди у. — Биз ҳамиша ғамхўрлик оғушидамиз, рағбат, эҳтиром кўрсатиляпти. Бугунгидай дориламон кунларга етказганига шукр. Илоҳим, юртимизда тинчлик бардавом бўлсин!

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**


# АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛАДИ

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда молиявий секторни изчил ислоҳ қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилиб, илғор банк бизнесини йўлга қўйиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтиришга қаратилган зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони ана шундай муҳим ҳужжатлардан биридир. Бинобарин, Фармон асосида ишлаб чиқилган стратегия ва “Йўл харитаси” банклар учун муҳим дастуриламал бўлаётир.*

*Фармонда, хусусан, банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот ва молиявий технологияларни кенг жорий қилиш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш алоҳида қайд этилган. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида мазкур ҳужжатда кўрсатилганидек, янги “Рақамли банкинг” тамойили асосида бизнес-модель жорий қилиниб, унга кўра ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.*

SANOAT QURILISH BANK

## Молия муассасаларида

### «JOYDA» иловаси ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди

Маълумки, коронавирус пандемияси шароитида онлайн хизматларга бўлган талаб ошиб кетди. Ана шундай шароитда банк томонидан 2020 йилнинг май ойида “JOYDA” мобиль иловасининг ишга туширилгани одамларнинг ҳам вақтини, ҳам маблағини тежашда муҳим омил бўлди. Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб онлайн кредит хизматлар ва маркетплейсни ўз ичига олган ушбу мобиль илова мижозларга масофадан туриб ҳам банк хизматлари, ҳам маҳсулотларни муддатли тўлов асосида харид қилиш имкониятини тақдим этди. Бу эса унинг қисқа фурсатда аҳоли ўртасида оммалашувини таъминлади.

“JOYDA” мобиль иловасининг иш бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, бугунги кунга келиб платформадан фойдаланувчилар сони 340 минг кишига етди. Пластик картага ўтказмалар 540 миллиард сўмни ташкил этди, 650 миллиард сўмлик онлайн кредитлар расмийлаштирилди, қарийб 95 миллиард сўмлик 1,5 мингдан ортиқ омонат ҳисобварақлари очилди, 5 минг 600 та карта муомалага чиқарилиб, эгаларига етказиб берилди. Платформа тадбиркорларимиз учун ҳам қулай савдо майдончасига айланди. Жумладан, ҳозирги пайтда 100 дан зиёд савдо-сервис корхонаси ва ишлаб чиқарувчилар онлайн савдога жалб қилинган. Улар томонидан 15 мингта маҳсулот жойлаштирилиб, умумий қиймати 21,3 миллиард сўмга тенг қарийб 5 мингта товар сотилди.

Платформа, шунингдек, етказиб бериш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар ва суғурта компанияларига ҳам хизмат кўрсатиш кўламини оширишларига қўшимча имкониятлар бермоқда.

Бугунги кунда банк мижозлар хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, мазкур мобиль илованинг веб талқинини ишга тушириш арафасида турибди. Банк, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини бир жойда бирлаштирган ушбу иловадан тез орада компьютер қурилмалари орқали ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Шу кунларга режалаштирилган янгиликлардан яна бири — масофадан турган ҳолда, “JOYDA” иловаси орқали банк хизматларига навбатга туриш хизматини жорий қилишдан иборат. Бу ечим ҳам бугунги шиддатли замонда мижозларга вақтдан ютиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

### Янги дастурий таъминот ва маълумотлар базаси

Бундан ташқари, банк томонидан ахборот тизимидаги мавжуд процессинг дастурий таъминоти (ПДТ) ўрнига “Open Way” ПДТни ишга тушириш устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида “Visa”, “Mastercard”, “UnionPay” каби халқаро пластик карталарни эмиссия қилиш, уларга хизмат кўрсатиш, шу билан бирга, “JCB” карталарига эквайринг хизматини кўрсатиш йўлга қўйилади.

Мазкур халқаро карталар асосида мижозлар ўтказмаларни бажариш, карта айланмасини онлайн кузатиб бориш, лимитлар ҳамда чекловлар ўрнатиши ва бошқариш, контактсиз тўловларни амалга ошириш, пин кодни алмаштириш, “E-PIN-мижоз” тизими томонидан мустақил равишда пин кодни шакллантириш, интернет тўловларини бажариш, савдо ташкилотларига электрон тижорат фаолиятини амалга ошириш сингари хизматлардан фойдаланиши мумкин бўлади.

Шу билан бирга, мазкур тизимни такомиллаштириш натижасида виртуал кредит карталар, мультивалютали карталарни муомалага чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, жорий йилда банк томонидан “CRM” тизими ҳамда кредит конвейери жорий қилиниши режалаштирилган. “PEGA SYSTEMS” платформасида амалга ошириладиган ушбу тизим мижозларни жалб қилиш ва улар билан муносабатларни бошқариш, хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишда қўл келади. “CRM” тизимини жорий қилишда мижозлар таснифланади. Салоҳиятли мижозлар базаси яратилади. Ҳар бир мижоз ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилади. Ходимларнинг иши оптималлаштирилиб, назоратга олинади. Вазифалар уни бажариш вақтларини инобатга олган ҳолда режалаштирилади. Бунда вақт статик ёки маълум бир ҳодисага нисбатан белгиланади. Мунтазам такрорланадиган жараёнларни автоматлаштириш орқали вақтни тежашга ҳамда ходимлар меҳнати самарадорлигини оширишга эришилади. Ички ва ташқи маълумотлардан унумли фойдаланиш натижасида маҳсулотларни сотиш учун ягона ойна, “call-center”, “customer view 360” (мижозларнинг тўлиқ маълумотини кўра олиш), мижозлар билан муносабатлар, сегментация, ҳужжатларни сақлаш учун алоҳида база яратилади.

Кредит конвейери хизматининг жорий қилиниши билан кредит маҳсулотларини сотиш жараёнининг самарадорлиги оширилади. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини автомат ҳисобловчи скоринг ҳамда рейтинг тизими йўлга қўйилади. Кредит аризасини кўриб чиқишнинг ҳар бир босқичи давомийлигини кузатиш, жараён иштирокчилари учун “KPI” белгилаш ва кузатиш, умуман, кредит маҳсулотини сотишни бошқариш ҳамда жараённинг максимал шаффофлиги таъминланади.

### Ресурс базасини мустаҳкамловчи лойиҳа ва истиқболдаги вазифалар

Айни пайтда банк тизимида барқарор даромад манбаларини аниқлаш, молиявий назоратни кучайтириш мақсадида “Бюджетлаштириш” дастурий мажмуасини жорий этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Германиянинг “SAP” дастури асосида амалга оширилаётган 15 босқичли ушбу лойиҳанинг шу кунга қадар 9 та босқичидаги ишлар муваффақиятли якунланди. Лойиҳа ижроси банк молиявий стратегиясини ривожлантириш ҳамда ресурс базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, мижозларга қулайлик яратишда ҳам кўп имкониятлар беради. Хусусан, банк маҳсулотлари ва хизматларининг ҳақиқий қийматини аниқлаш, мижозга йўналтирилган шаффоф банк маҳсулотлари яратилишини қўллаб-қувватлаш, банк маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда кам рентабелли банк маҳсулотларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш йўналишларини белгилашнинг оптимал йўли юзага келади.

Умуман, банкнинг жорий йилги вазифалари кўлами кенг. Жумладан, операцион йўқотишлар ва кредит таваккалчиликларини пасайтириш имконини берувчи скоринг модели ривожлантирилади, электрон савдо майдончаси кенгайтирилади (2021 йилда янги 500 та, 2022 йилда 1000 та савдо-сервис корхонаси ҳамда ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш, маҳсулотлар турини 1 миллионтагача етказиш кўзда тутилган), “WAY4” карта процессинги билан интеграциялашув лойиҳаси жорий этилади. Электрон савдо майдончаси орқали ипотека кредитларини ажратиш йўлга қўйилиб, мижозларга банк офисларига бормасдан 20 йил муддатга банк кредитини расмийлаштириш ва қурилиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга ўз харидорлари учун тайёр ечимлар таклиф этиш имконияти берилади.

Шунингдек, савдо-сервис корхоналари ва ишлаб чиқарувчилар ҳудудида “Смарт офис”-лар ташкил қилинади. Бу ерда тач-скрин экранлар ва картоматлар ёрдамида банк маҳсулотлари ҳамда хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, мижоз янги банк картасини “Смарт офис” ҳудудида 10 дақиқада олиш имконига эга бўлади.

“090 картаси” лойиҳаси амалга оширилади. Истеъмолчига кредитларни 90 кунга “ноль” фоизларда олиш имконияти яратилади. Бу эса истеъмолчилар талабининг ортиши ҳисобига савдо-сервис корхоналари ва ишлаб чиқарувчилар савдосини 20 фоизгача оширади.

Банк томонидан ўзини ўзи индентификациялаш тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масофавий идентификациялаш механизми амалиётга татбиқ этилиши натижасида банкда масофадан кўрсатиладиган хизматлар сонини ошириш имконияти янада кенгаяди. Идентификациялашни биометрия асосида ривожлантириш йўналишида эса “FaceID” ва “FingerID” ёрдамида аниқлашни йўлга қўйиш операцион таваккалчиликларни пасайтириш имконини беради.

Реклама ўрнида

Мухтасар айтганда, “Ўзсаноатқурилишбанк”да бизнес жараёнларга ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, мазкур чора-тадбирлар Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда олиб борилаётган Банкни трансформация қилиш дастурининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Трансформация жараёнларидан кўзланган асосий мақсадлардан бири эса банк томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг мижозга йўналтирилганини таъминлаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун энг қулай банк хизматлари кўрсатилишига эришишдан иборатдир.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6